

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил 5 сон



Бош мұхаррір: Наманган давлат университетінің ректоры С.Т.Тургунов

Масъул мұхаррір: Илмий ишилар ва инновациялар бүйічі проректор М.Р.Кодирхонов

Масъул мұхаррір үринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад. С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц. А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Аскаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф. С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н., доц. М.Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф. А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф. Ш.Хонкелиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ф.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д., проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник мұхаррирлар: [Н.Юсупов, Г.Акмалжонова](#)

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи қўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлиб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бүйічі Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.05.2021 йилдаги кенгайтирилган ўтигиллишида мұхокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишига рухсат этилган (Баённома № 5). Мақолаларнинг илмий савияси ва көлтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



ГАП БЎЛАКЛАРИ ГАПНИНГ КОСТРУКТИВ БЎЛАГИ СИФАТИДА

Усмонова Хуринисо Шараповна

НамДУ профессори, ф.ф.д

Аннотация. Мазкур мақолада гапни бўлакларга ажратиш масаласи изохланади. Гап бўлаклари, гапнинг коструктив бўлаги сифатида таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Гап, гап бўлаклари, сифатловчи, аниқловчи, эга, кесим, тўлдирувчи ва ҳол.

Annotation. This periodical explains the issues of dividing a sentence into parts. Parts of the sentence are analyzed as a constructive part of the sentence.

Аннотация. В этой статье рассматриваются вопросы разделения предложения на части. Части предложения анализируются как конструктивная часть предложения.

Тилшунослик тарихида синтактик назариялар пайдо бўлгандан бўён, гап бўлаклари ва гапнинг бўлакларга ажратиш муаммолари ҳақида турли фикрлар майдонга келди. Гарчи, гапни бўлакларга ажратиш тилшуносликнинг энг қадимий масалаларидан бўлса- да, у ҳеч қачон тилшуносларнинг баҳс – мунозараларидан холи бўлган эмас.

Гапнинг шаклий тузилиш томонини тилшуносликда синтактик тузилиш термини билан ҳам юритилади. Демак, гапнинг синтактик тузилиши дейилганда, унинг шаклий томонига эътибор берилади.

Гапнинг шаклий тузилиши анъанавий тилшуносликда жуда узоқ даврлардан бўён гап бўлаклари рукни остида ўрганилиб келинади. Б.С. Храковскийнинг таъкидлашича, гап бўлаклари концепцияси тилшуносликда XX аср ўрталаригача гапнинг синтактик таҳлилида етакчи роль ўйнаган бўлса – да, бу концепция тарафдорлари ҳеч қачон бир умумий ғоя остида бирлашган эмас. {1}

Гап бўлаклари мақомини белгилашда узоқ даврлардан бери “Тобе ҳоким муносабатда бўлишлик” ва бу муносабатда “тобе позициясида туришлик” белгиланган таянч нуқта бўлиб хизмат қиласи. Ана шу белгига мувофиқ, гап бўлакларини икки даражага: бош ва иккинчи даражали бўлакларга бўлиш анъанаси жаҳон тилшунослигида Л.Тенъернинг “Структурал синтаксис асослари” асари майдонга келгунга қадар хукум сурди. Бу асарнинг пайдо бўлиши синтактик назарияда буюк бурилиш ясади. Гапнинг тузилиш ва мазманий маркази сифатида кесимнинг эътироф этилиши ва эгани кесимнинг “бўш ўрин” ларини тўлдириб, келувчи аргументлар қаторига ўтказилиши бош ва иккинчи даражали бўлаклар тушунчасини қайта кўриб чиқиши муаммосини келтириб чиқарди.

Ўзбек тилшунослигида мазкур муаммо 80- йиллар бошларида кўтарилиган бўлса, ҳозирги кунда кесимнинг гап тузилишида етакчилик қилиши, эга, тўлдирувчи, ҳоллар кесимнинг “бўш ўринлари” ни тўлдириб, унинг кенгайтирувчилари ҳисобланиши кенг илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилди.

Ўтган давр мобайнида гап бўлаклари масаласида турли хил ғоялар олға ташланди, турли- туман йўналишлар майдонга келди. Бундай хилма- хиллик гап бўлакларини даражаларга ажратишда ҳам, иккинчи даражали бўлакларни тасниф асосларида ҳам кўринади.



Ўзбек тилининг ҳақиқий илмий синтаксисининг яратилиши проф. А.Ғуломов, Ф.Абдураҳмонов, М.Асқаровалар номи билан боғлиқдир. А.Ғуломовнинг синтактик қарашлари, рус тилшуносларининг хусусан, А.А. Потепния, А.А. Шахматов, В.В.Виноградов ғоялари таъсирида шакилланди. Уларнинг гап бўлаклари ҳақидаги қарашлари ўзбек тилшунослигига тадбиқ этилди. Аниқловчи, тўлдирувчи атамалари А.Ғуломов томонидан ўзбек тилшунослигига киритилди.

Проф. А.Ғуломов гап бўлакларини белгилашда тобеланиш муносабатини бош мезон қилиб олди. Тобеланиш муносабатидан ташқаридаги гап унсурлари гап бўлаклари таркибига киритилмади. Гап бўлаклари гап тузилишидаги ролларига қараб икки даража – бош ва иккинчи даражали бўлакларга бўлинди. Бош бўлакларга эга ва кесим, иккинчи даражали бўлакларга эса аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол киритилди. {2}

Гап бўлаклари ва гапни бўлакларга ажратиш тамойиллари бўйича шунчалар кўп фикр мулоҳазалар баён қилинганки, ҳатто уларни қайси тамойил асосида ажратилаёттанига кўра тасниф қилиш имконияти вужудга келди.

Ўзбек тилшунослигига ҳам рус тилшунослигига ҳам гапнинг таркибида тобе вазиятда келиб, муайян сўроққа жавоб бўлувчи ҳар қандай иккинчи даражали бўлак гап таркибидан бир вақтда ажратилади. Дастреб, гап таркибидан бош бўлаклар аниқланади ва ундан сўнг таҳлилнинг иккинчи босқичида иккинчи даражали бўлаклар белгиланади. Иккинчи даражали бўлаклар гапнинг ёки унинг бир қисмининг бўлаги эканлиги ҳисобга олинмайди. {3}

Анъанавий тилшуносликнинг ана шу чекланган томонларини айрим туркологлар пайқаганлар ва аниқловчи гапнинг конструктив бўлаги эканлигига шубҳа билан қараганлар. Жумладан, Н.А.Басқаков фикрича, аниқловчининг миқдоридан қатъий назар, ҳар қайси аниқланмиш гап таркибида ўзининг синтактик вазиятига эга бўлади ва аниқловчи билан биргалиқда бир бутун ҳолда бир гап бўлаги саналади. {4} Н.К.Дмириев ҳам аниқловчи - аниқланмиш муносабати гапнинг тузилиши доирасига кирмаслигини таъкидлаган эди. {5}

Баъзи ўзбек тилшунослари 60- 70 -йиллардаёқ иккинчи даражали бўлакларнинг гапдаги мақоми юзасидан анъанавий қарашларга танқидий муносабатда бўлганнилар. Хусусан, Ш.Раҳматуллаев бу ҳақда қуйидагиларни баён қилади: “Сифатловчининг ўзига хос айримликлари борлигидан келиб чиқиб уни бир вақтлар учинчи даражали бўлак деб ҳам юритишган, аммо кейинчалик бу тушунча ва терминдан воз кечилган. Бизнингча, сифатловчини (кенгроқ олсак, аниқловчиларнинг барча турларини) гапнинг бўлаги деб эмас, бирикманинг бўлаги” деб аташ тўғрироқ бўлади. Агар ҳозиргина таъкидланган фикрга қўшилсан, “сифатловчи ўз сифатланмиши билан биргалиқда бир бўлак вазифада келади” деб умумий қоида чиқариш мумкин. {6}

Проф. Н.Маҳмудов аниқловчиларни гапнинг конструктив бўлаги ҳисобламагани ҳолда, тўлдирувчи ва ҳолларнинг ҳам гапдаги вазифасини фарқлаш лозимлигини кўрсатди. {7} Унинг таъкидлашича, бирдан ортиқ предикат қатнашганда, улардан бири асосий, қолганлари иккинчи даражали ҳолатда бўлади. Лекин ҳар бир предикат, хоҳ у асосий, хоҳ иккинчи даражали бўлсин, муайян обьект муносабати билан боғлиқ саналади. Бу ҳолат таркибида иккинчи даражали предикатли сифатдош ва равищдош ўрамлар (оборотлар), ҳаракат номланишлари ва шарт феълии қурилмалар, шунингдек, предикатив сўзлар (бор, йўқ сингари сўзлар) билан шакланган қурилмалар мавжуд



бўлган содда гапларда кузатилади. Масалан: Унинг дардини енгиллатадиган сўзни инсон боласи ҳали ярата олгани йўқ (С.Аҳмад) гапида иккинчи даражали предикатли унинг дардини енгиллатадиган сифатдош обороти иштирок этган. Гапда иккита предикат мавжуд бўлиб, улардан бири, яъни ярата олгани йўқ феъл шакли билан ифодаланганд асосий (кесим вазиятида), иккинчиси, яъни енгиллатадиган сифатдош шакли билан ифодалангани эса иккинчи даражалидир. Асосий предикат сўзни сўз шакли орқали ифодаланганд обьект муносабати билан боғлиқ бўлса, иккинчи даражали предикат дардини сўз шакли орқали ифодаланганд воситасиз обьект муносабати билан боғлиқ. Аммо бу икки обьект предикатларга муносабати жиҳатидан айнан ўхшаш бўлса ҳам, уларни бир- бири билан мутлақо тенглаштириш мантиқан тўғри эмас. Чунки мазкур предикатларнинг ўзи мавқеи жиҳатдан бир- бирига айнан тенг эмас, яъни бири асосий, иккинчиси эса иккинчи даражалидир. Шунинг учун ҳам мазкур гапнинг синтактик тузилишида иккита айнан бир мақомга эга бўлган воситасиз тўлдирувчи мавжуд деб қарашнинг ўзи илмий асосга эга эмас.

Англашиладики, гапнинг синтактик тузилишини шакиллантиришда моддий восита сифатида хизмат қиласидиган марфологик шакиллар бир хил синтактик мавқега эга эмас. Уларнинг бир қисми гапнинг конструктив бўлаги бўлиб келса, айримлари гапнинг эмас, балки унинг қисмининг конструктив қисми саналади. Шунинг учун ҳам синтактик таҳлилда муайян сўз шакларнинг қандай синтактик мавқе ва вазифада келаётганлигини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Нурмонов А. Тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича Танланган асарлар III жилд. Т., 2012. 212-224 бетлар. Яна қаранг Храковский В.С. Концепции членов предложения в русском языкоznании XIX века //Грамматическое концепции в языкоznании XIX века.- Л., 1985.-С.124.
2. Нурмонов А. Танланган асарлар . “Тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича танланган мақолалар” III жилд . Тош., “Akademnashr” 221-223 бетлар.
3. Адмони В.Г. Структурно-смысловое ядро предложения // Члены предложения в языках различных типов. –Л.. 1972. – С.35-50. Яна қаранг Сайдова Р.Х. Предложение в современном русском литературном языке.АКД. Т.. 1975. С .5.
4. Баскаков Н.А. Простое предложение в каракалпакском языке. Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков. III. Синтаксис. М.. 1961. С.67.
5. Дмитриев Н.К. Детали простого предложение. Ис. по срав, Гр. тюркских языков. III
6. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки, Т., 1970, 18-20 бетлар.
7. Маҳмудов Н. Функционал ва нофункционал тўлдирувчилар ҳақида./Ўзбек тили ва адабиёти. -1981. 1- сон. – б. 44

РАМЗ ВА АЛЛЕГОРИЯНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Шарипова Дилноза Шавкатовна, катта ўқитувчи

Табиий йўналишларда чет тили кафедраси

Бухоро давлат университети



Рахматова М.М	210
42 Шарқ романтизмининг фалсафий шеърияти- жалолиддин румий ижодида Ўроқова О. Ж	215
43 Шахс экологик маданияти шаклланишида маънавий мерос намуналарининг ўрни ва аҳамияти Зойиров Э. Ҳ, Ғуломов А.Б	220
44 Жадидчилик фалсафасида миллий истиқлол масалаларининг кўтарилиши Тағоева Д.Н	224
45 Замонавий эстетика муаммолари таснифи Арзиматова И. М, Мўминов Ж.М	230
46 Ҳозирги кунда ўқувчи-ёшлар ва ёш авлод тарбиясидаги салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилиш ҳамда уни олдини олиш давр талаби Норбўтаев И.М	233
47 Ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантиришда ворисийлик муҳим омили сифатида Исройлов Б.Э	236
49 Экологик тарбия - олам тарбияси Худайназаров С.Х	242
50 Оиласвий тадбиркорлиқда шахс интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ривожлантириш аҳамияти Фаниев Б.С., Фаниев А.Б.	247
51 Интернетнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида самарали ривожланиш омиллари Аллајаров О.Э., Хамидов А.М.	254

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

10.00.00

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHILOLOGICAL SCIENCES

52 Ўзбек ва Корейс тилларида флора гуруҳидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий таҳлили Жо Мин Ёнг	260
53 Гап бўлаклари гапнинг коструктив бўлаги сифатида Усмонова Х.Ш	272
54 Рамз ва аллегориянинг ўзаро муносабати Шарипова Д.Ш	274
55 Исторические формирование узбекской орфографии Тўрахўжаева А.Х, Абдуганиева Ш.Б	279
56 Analysis of medieval masterpieces Nematillayev A	283
57 Cho'lpon asarlarida obrazlilik Fayzullayeva O.X, Jalilova Sh. D	285
58 Farida Afro'z asarlarida dialektizmlar ekspressivlik ifodalovchi vosita sifatida Xusanova M.A	289